



НОШИР ДУҚ
МАНБУРИЙ НУСXA

Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Минг машаққат ва азоб билан хорижда пул топиб келиб, дангиллама тўй учун совириш ота-онага ярашмайди

1913-yil aprel oyidan chiqq boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 7-yanvar, seshanba, 02 (23.282)-son



лан бир қаторда ҳарбий соҳага тегишли, жумладан, «Темур тузуқлари»ни кўпроқ мутулаа қилишар экан. Электрон кутубхонада эса компьютерлар интернет тармоғига уланган, аскарлар ўзларига зарур бўлган маълумот, адабиётларни тармоқ орқали олиб, бемалол фойдаланишлари мумкин. Ҳафтада икки кун китоб мутулааси кун деб белгиланган ва ҳар бир аскар кутубхонага келиши шарт.

РУҲИЙ ЗҶРИҚИШЛАРНИ ЕНГИШ УЧУН...

Бир пайтлар қуш ҳам учиб қиролмайди деган ҳарбий қисмдаги шарт-шароитларни кўриб, оналарнинг аксари ўз ҳаётонини яширолмади. Аммо у ердаги яна бир хона – «Руҳий зўриқишларни ечиш» хонаси қайсибир маънода мунисаларнинг кўнглини хотиржам қилди. Ҳар бир инсон, ҳатто ҳарбий бўлиш учун барча текширувлардан ўтиб, унга ҳар томонлама муносиб деб топилган киши ҳам стресс ҳолатидан ҳимояланмаган, – дейди ҳарбий психолог Жамшид Ҳабибов. – Мамлакатимиз раҳбари қарори билан ташкил этилган мазкур штатлар ҳар бир қисмда бор ва улар учун тегишли хоналар жиҳозланган. Хонада аскарнинг стрессдан чиқариш учун турли буюмлар, аквариум, ўз уйдаги каби ўзбекона бурчак, шахмат-шашка ва бошқа жиҳозлар мавжуд. Яхши биласиз, ҳарбий ҳаёт, шу жумладан, хизмат ҳам қатъий тартиб, интизом ва баъзида оила полигондаги чинқишлардан иборат. Бу ҳолат баъзи аскарларнинг руҳиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай ҳолга тушган аскар, ҳарбий хизматчилар билан суҳбат олиб борилади, уларга тегишлича йўл-йўриқ кўрсатилади.

Аскарларнинг ётоқхонаси, ошхонаси билан танишган оналар ўғлонлар учун яратилган шароитлар инсонийликнинг барча талабларига жавоб беришидан мамнун бўлишди.

2-саҳифа >>>

Вилоят Кенгаши депутатлигига қайси партиядан қанча номзод сайланди?

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 5 та округда 5 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилди.

Вилоят сайлов комиссиясининг маълум қилишича, овоз бериш натижаларига кўра, 3 нафар Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан ва 2 нафар «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган.

Хусусан, 1-Боғибаланд сайлов округидан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бадриддин Насриев;

5-Сартепан сайлов округидан «Юк-

салиш» умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлини раҳбари – вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Шохруҳ Жўракулов;

22-Жўш сайлов округидан Қўшраб-от тумани Оқмачит маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садила Абсаматов;

45-Арабхона сайлов округидан Самарқанд шаҳрида жойлашган «Хуршида мед стом» стоматология клиникаси раҳбари Шахноза Нуримўминова;

50-Дўстлик сайлов округидан «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи Зебинисо Шодиева кўп овоз олган.

Сайлов кодексининг 59-моддасига асосан такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ ол-

ган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Сайловларнинг умумий натижаларига кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгаши 16 та депутатлик ўрнини Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига эгаллади.

«Миллий тикланиш» демократик партиясидан 14 нафар, «Адолат» социал-демократик партиясидан 11 нафар, Халқ демократик партиясидан 10 ва Ўзбекистон Экологик партиясидан 9 нафар номзод вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган, деб топилиб, рўйхатга олинди.

Сайланган депутатларнинг 22 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Ё.ГАДОВЕВ
тайёрлади.

Салом, она, онажонгинам...

Марказий ҳарбий округнинг Самарқанддаги мустаҳкам қалъаси қопқалари бу сафар оналар учун махсус очилди. Самарқандлик оналарни дарвоза қаршисида Марказий ҳарбий округ қўмондони ўринбосари Улуғбек Дўстматов илтифот билан, ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида кутиб олди. Шундан сўнг бир гуруҳ оналар ташрифини қўмондон ўринбосари ҳамроҳлигида аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишдан бошладилар.

ҲАФТАДА ИККИ МАРТА КИТОБ МУТОЛААСИ КУНИ

Ҳарбий округ ҳудудида жойлашган кутубхона ўн мингга яқин китоб ҳамда

электрон кутубхонани ўзида жамлаган. Кутубхоначи Сарвиноз Абдуҳамидова-нинг айтишича, мuddатли ҳарбий хизматчилар кўпроқ бадий адабиётлар би-

Йўлларнинг сифатсиз таъмирланишига қачон барҳам берилади?

Ижтимоий тармоқларда Самарқанд шаҳрининг айрим кўчаларида табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортиш учун олиб бориладиган қазилар ва кейинги таъмирлаш ишларидаги камчиликлар, шунингдек, Рудакий кўчасида ҳаракатланаётган автобуснинг оқова сув тармоғи кўмирилган асфальт йўлда пайдо бўлган чуқурга тушиб кетганлиги анча муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан вилоятдаги соҳага алоқадор идоралар раҳбар ва мутахассислари, журналисти ва блогерлар иштирокида мазкур объектларда олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликлар,

унинг оқибатлари ва ечимига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Р.Сатторов кўчалардаги қурилиш-таъмирлаш ишларидаги камчиликлар, жумладан, Рудакий кўчасининг Беруний ва Гагарин кўчалари ораллигидаги қисмида бўлган 1,18 километр узунликдаги оқова сув тармоғи қурилиши объектида аниқланган камчиликлар, ёғингарчилик туфайли етказилган зарар ва унинг оқибатлари юзасидан маълумот берди.

3-саҳифа >>>

Юртимиз бўйлаб

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни қабул қилиб, унинг 70 ёши билан самимий табриклади ва унга «Эл-юрт ҳурмати» орденини топширди.

1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири кучга кирди.

Удудларда нима гап?

Вилоят ҳокими Э.Турдимов Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида тадбиркорлар билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси ФВБ ЁХББ ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида тингловчиларнинг «Ёнгин ўчириш тактикаси» ва «Ёнгин ўчириш техникаси» фанларидан олган назарий ва амалий билим, касбий кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида «Одамлар қанчалик маърифатли бўлсалар шунчалар эркиндир» мавзусида викторина ўтказилди.

Булуғур, Оқдарё, Ургут туманларида туман ҳокимлари иштирокида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ўтказилди.

Жаҳон айвонида

Хитойнинг Ухань шаҳрида номаълум пневмония касаллигига чалинганларнинг сони 59 нафарга етди.

Хорватияда президентлик сайлови иккинчи турининг дастлабки натижаларига кўра, президентликка номзод Миланович 53,25 фоиз, амалдаги президент Грабар-Китарович эса 46,75 фоиз овоз тўплаган.

Ироқ парламенти террорчи гуруҳларга қарши кураш бўйича халқаро коалициядан чиқинчи ва мамлакатдан хорж кўшинлари чиқиб кетишини ёқлаб овоз берди.

Интернет ва ОАВ
хабарлари асосида
тайёрланди.

Самарқанд вилояти ҳокимига очиқ хат

Маҳмудхўжа Бехбудий

У ким бўлган? Биз уни муносиб қадрлаёмизми?

Ассалому алайкум, ҳурматли Эркинжон Оқбўтаевич!

Сизни Самарқандда туғилиб ўсган, айни пайтда Тошкентда фаолият юритаётган оддий тадқиқотчи безовта қиялпти.

Аввало, вақтингизни оладиган, мен каби ақл ўргатувчилар кўпчилигини ҳам биланман. Ахир Самарқанднинг дунё тарихида тутган ўрни бекиёс бўлса, мустахлак сабаб унутилган машҳур бобоқалонлар номини тиклаш, абадийлаштириш бўйича тадқиқотлар кун сайин кўпаяётганидан мурожаатлар сони ошаётган бўлса, ажабланмайман.

Шундай бўлса-да, камини ҳам мурожаат қилишга жазм этдим. Уйлашимча, бу ҳам жуда жиддий масала – бетакрор ибратли ҳаёти билан бутун Туркистон халқи муҳаббатига сазовор бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий бобомизнинг қадрланиши даражаси ҳақида. Ходимларингиздан бу борада сўрасангиз, Сизга «Бехбудий муаллим бўлган, шу боис педагоглар малакасини ошириш институти (худудий марказ)да унинг бюсти бор... номи қўйилган... бундан ортиқ нима ҳам қилардик», дейишди.

Аслида ана шу ишлар ҳам Самарқанд зиёлилари ташаббуси билан амалга ошган... Биз, олимлар фақат даъват қила оламиз, холос. Лекин ҳокимият, ҳукумат аралашмаса, бош бўлмаса, тадбирлар, дейлик, жорий йил 19 январда бўладиган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллиги ҳам билинмасдан ўтади-кетди...

Яқинда Тошкентда биринчи романнавис адибимиз Абдулла Қодирийнинг 125 йиллик юбилеи Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилиги ва иштирокида кенг нишонланди. Мухташам уй-музейи, салобатли ҳайкали қад ростлади, Абдулла Қодирий ижод мактаби, Тошкентнинг қадим Эски Жўвасида Абдулла Қодирий боғи яратилди.

Эркинжон ака, буларни ҳавас билан, фaҳр билан айтаяпман. Абдулла Қодирий шаксиз, буюк ёзувчи. Шундай буюк адиб илк пьесасини қандай яратганини ўзи ёзиб қолдирган хотирадан билиб олишимиз мумкин:

«1913 йилда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз қувё» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», деганди у 1915 йилда.

Қодирий тилга олган «Падаркуш» пьесаси Маҳмудхўжа Бехбудий қаламига мансуб. Демак, бу эътироф Бехбудийнинг янги авлод – Фиррату Чўлпон, Авлюно Қодирийларни тарбиялагани, уларга қанот берганлигини кўрсатади. Фурат ганиматда «Падаркуш» Ўзбекистон театрининг биринчи асари сифатида тарихга киритилганини таъкидлашни истардим. Аммо у тадқиқотчилар айтаётган «ўқимаган боланинг отасини ўлдириши ҳақида»гина эмас, балки мол-дунё, ҳокимият васасасида қатл этилган Мирзо Улуғбек билан боғлиқ отақушлик фожиасидан бошланган Туркистон таназзули хусусидаги трагедиядир.

Педагогик, журналистик фаолияти билан чекланиб, чуқур таҳлил қилинмаган фактлар унинг сиёсий арбоб сифатидаги сиймосини иккинчи планга суриб қўйди. Бехбудий, аввало, сиёсий арбоб эди. Тарих саҳифаларида бу сўзнинг исботлари қалашиб ётибди. Таржимаи ҳолига батафсил тўхталмасдан, тасаввур учун бир-икки мисол билан кифояланамиз.

1. БЕХБУДИЙ ҲАЖ САФАРИГА НЕГА САККИЗ ОЙ САРФЛАДИ?

Маҳмудхўжа Бехбудий иш фаолиятини Кобут во-лости (бугунги Жомбой, Тойлок, Самарқанд туманлари ҳудуди)да мирзоликдан бошлаган. Ўқиб-ўр-



ганишга бўлган иқтидори туфайли ўз даврининг юксак эътиборли лавозими – муфтилик рутбасига эришди. Унга муносиб кўрилган муфтилик мусулмонларда олий лавозимли руҳоний ҳисобланиб, диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиш борасида хал қилувчи ҳуқуққа эгадир.

Албатта, бундай лавозим соҳиб ўз фаолияти да-вомида халқнинг барча қатламлари вакиллари билан мулоқотда бўлади, демакки, кичик масалалардан йирик муаммоларгача дуч келади, уларни қиёслаш, хулоса чиқариш ва масалаларнинг ечими нимада эканлиги тўғрисида фикрлаш имконига эга эди.

Халқимизда дунёни англаш учун кўп ўқиш ёки жаҳон кезиш кераклиги хусусида нақл бор. Бехбудий нафақат ўқиди, балки иккисини-да амалга оширди.

«1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллога Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Қоҳира воситасида бориб эдим. Мuddати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди» (Маҳмудхўжа Бехбудий. Қасди сафар // «Ойна» журнали, 1914 йил, 31-сон).

Бехбудий ҳаёти ва ижодини ўрганган тадқиқот-

чи-олимлар ана шу даврни юзакироқ ёритадилар назаримизда. Улар Бехбудий 3-4 ёшда бўлган тўнғич ўғли нобуд бўлгани учун қайғуга ботиб, биринчидан, қайғусини унуттиш, иккинчидан, ҳаж амалини адо этиш мақсади билан 1317 (1899) йилда бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан сафарга чиққанини таъкидлаш билан кифояландилар.

Аслида унинг сафарига бошқа сабаблар ҳам мавжуд эди. Аввало, 1898 йилги Дучки эшон номини олган Андийкон қўзғолонининг оқибати шу юртнинг зиёлиси сифатида Маҳмудхўжани чуқур қайғуга ботиради. Бехбудий жараёни ҳар томонлама таҳлил этиб, махсус тайёргарликсиз тиш-тирноғигача қуролланган мустахлакчи қўлидан ўттиз йил давомида ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан оч-наҳор кулга айлантирилган авом билан озоликка чиқиш мумкин эмаслигини англаб етди. Негаки, Бехбудий айтмоқчи «...Туркистон, билхосса, Самарқанд бутун дунёдан хабарсиз, қоронғу бир зиндон каби эди. Халқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада ғадбир (алдамчи, бераҳм – Ҳ.С.) ва золим, маишати бузук, ахлоқи фасод... эди».

Демак, Европа давлатларининг исканжасида қолган бошқа шарқ давлатлари аҳволидан хабардор бўлиши, уларнинг озолик йўлидаги ҳаракатларини ўрганиш ва табиийки, ҳажада Аллоҳдан ўз халқига ҳуррият сўраш сафарининг асосий сабаби эди.

Биз ўша давр газеталари саҳифаларидан фикримизга асос топдик. Муборак ҳаж сафари аҳамияти ҳақида унинг сафдоши Садриддин Айний шундай ёзади: «Ҳижоз сафари Маҳмудхўжага кўб билмай-тургон нарсаларини ўргатган, кўб ибратлар олган. Бориб-келишда ҳар синф кишилар билан кўрушган ва фикр олишган. Маҳмудхўжа Ҳижоз сафаридан сўнгра гўё дунёга янги келгандек бўлуб, Туркистоннинг илмий ва ижтимоий ишларига бошқа кўз, бошқа бир ўлчак билан қараган» (Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли // «Меҳнат-кашлар товуши» газетаси, 1920 йил 8 апрель).

4-саҳифа >>>

8 январь – Прокуратура органлари ходимлари куну



Прокуратура. Бир вақтлар бу ном қулоққа чалинганда анча-мунча одам бир сесканиб туншарди. Аммо кейинги йилларда тизимда амалга оширилган ислохотлар сабаб одамлар онгида прокуратура органларига нисбатан ижобий фикр шаклланиб бормоқда.

Бу борада олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижаси ҳақида суҳбатлашиш учун вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Фарҳод ЗУФАРОВга мурожаат қилдик:

Халқ манфаатлари ҳимоясида

- Кейинги йилларда прокуратура органлари ходимларининг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда. Шу сабаб қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашда соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият янада ортди, - деди Ф.Зуфаров. - Вилоят прокуратураси органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқилган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида 2019 йил давомида муайян ишлар амалга оширилди.

Айниқса, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш ҳамда бу жараёнда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан аниқ чоралар қўлланилмоқда.

Хусусан, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилашга қаратилган қонунлар ва Президент қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўрилган чоралар, шунингдек, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг тизимли равишда ўрганилиши натижасида 9 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди ва 3,5 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўтказилган текширувлар ва жиноятларни тергов қилиш жараёнида 107 миллиард сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 356 та жиноят иши кўзга ташланди.

- Олиб берилган ишлар, умуман, прокуратура органлари фаолиятида ижтимоий масалаларга ҳам эътибор қаратиладими?

- Албатта. Бир нарсани кўп айтилган бўлса-да, қайд қилиш ўринли. Бугун прокуратура илгариги давлат қораловчиси, деган тузилмадан, қонунлар ижросини назорат қилувчи ҳақда ярашиш учун мuddат берилганлиги ҳақидаги қарорлар нусхалари жойлардаги ҳокимликлар, сектор раҳбарлари, маҳалла раисларига дарҳол юборилиб, яраштириш комиссияси, оила маркази ва бошқа мутасадди идоралар, маҳалла фаоллари иштирокида ажралишга сабаб бўлаётган омишлар ўрганилиб, муҳокама қилиш ва тарафларни яраштириш чоралари кўрилади.

Унга қўра, фуқаролик судлари ва ФХДЭ органлари томонидан никоҳни бекор қилиш юзасидан аризалар келиб тушганлиги тўғрисидаги хабар ҳамда ярашиш учун мuddат берилганлиги ҳақидаги қарорлар нусхалари жойлардаги ҳокимликлар, сектор раҳбарлари, маҳалла раисларига дарҳол юборилиб, яраштириш комиссияси, оила маркази ва бошқа мутасадди идоралар, маҳалла фаоллари иштирокида ажралишга сабаб бўлаётган омишлар ўрганилиб, муҳокама қилиш ва тарафларни яраштириш чоралари кўрилади.

Унга қўра, фуқаролик судлари ва ФХДЭ органлари томонидан никоҳни бекор қилиш юзасидан аризалар келиб тушганлиги тўғрисидаги хабар ҳамда ярашиш учун мuddат берилганлиги ҳақидаги қарорлар нусхалари жойлардаги ҳокимликлар, сектор раҳбарлари, маҳалла раисларига дарҳол юборилиб, яраштириш комиссияси, оила маркази ва бошқа мутасадди идоралар, маҳалла фаоллари иштирокида ажралишга сабаб бўлаётган омишлар ўрганилиб, муҳокама қилиш ва тарафларни яраштириш чоралари кўрилади.

Бу борадаги амалий тадбирлар давомида ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг 1154 таси яраштирилди, шунингдек, шаръий никоҳ асосида яшаётган 3317 оиланинг никоҳи расмийлаштирилиб, 33 та эрта никоҳнинг олди олинди.

«Оила» олий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси қошида

«Ишонч-мадд» («Телефон доверия») маркази ташкил этилиб, қисқа давр мобайнида ишонч телефони орқали 344 нафар ва бевосита фуқарони қабул қилиш орқали 167 нафар шахснинг мурожаати кўриб чиқилди, натижада 65 оила яраштирилди, 154 нафари билан психологик суҳбатлар ўтказилиб, маслаҳат, тавсия ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Булар натижасида судларда никоҳдан ажралиш билан боғлиқ кўрилган ажримлар ўтган йилга нисбатан 280 тага камайди.

- Фарҳод Махаммаджанович, аксарият ҳолларда жиноятчилик бекорчилик, қайсики иқтисодий етишмовчилик туфайли келиб чиқади. Бунинг олдини олиш учун прокуратура органлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга амалий кўмак бериш доимий эътиборимизда. Биргина 2019 йилда прокурорларнинг амалий ёрдами билан 75 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 2921 нафар, шундан 945 нафар аёл иш билан таъминланди ва 7400 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган 1691 нафар хотин-қизга тиббий ёрдам кўрсатилди, 1045 нафарининг бандлиги таъминланди, 1711 нафарига 864,2 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 325 нафари уй-жой билан таъминланди.

Бундан ташқари, прокурорлар раҳбарлик қилаётган 2-секторлардаги 290 та маҳаллада мавжуд 3217 та кам таъминланган оиланинг 1839 таси ушбу тоифадан чиқарилди. Қолган 1378 тасини кўмак орқали чиқариш чоралари кўрилади.

Вилоят прокурори секторидagi Пайарик тумани Накурт ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръати пастлиги, аҳоли, айниқса, 7 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланмаганлиги инobatга олиниб, фойдаланилмасдан келинаётган лалмикор ерларни ўзлаштириш мақсадида 20 та тик қудуқлар қурилиб, 50 гектар ер майдонида янги 12 та фермер хўжалиги ташкил этилди, интенсив боғ ва тоқзорлар яратилди. Натижада 500 дан ортиқ ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланди.

- Демак, прокурор бугун қайси-дир худуд раҳбари сифатида ўша жойда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чораларини кўрмоқда. Бу борада ўзингиз раҳбарлик қилаётган секторда амалга оширилган аниқ ишларни мисол қилиб келтира оласизми?

- Мен раҳбарлик қилаётган сектордаги Пайарик туманининг бир қисми суғорма деҳқончилик учун нуқулдай, тоғли худуд ҳисобланади. Туман марказидан 40-60 километр узоқликда жойлашган ушбу худуднинг 29 кишлоғи аҳолиси учун ичимлик суви катта муаммо эди. Ўтган йили 3 та янги сув иншооти қурилди ва 18 километр масофага сув тармоғи тортилиб, 650 та хонадон, 3 та мактаб, 1 та боғча ва 2 та қишлоқ врачлик пункти тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Яна бир ташаббус асосида Пайарик туманининг олис тоғли худуди ҳисобланган, 18 минг нафар аҳоли яшаётган, болалар учун бирорта боғча бўлмаган Накурт худудига лойиҳа қиймати 2,5 миллиард сўмлик 180

ўринли замонавий типдаги янги мактабга таълим ташкилоти ташкил этилди.

- Кейинги вақтларда ёшлар, айниқса, мактабгача таълим масаласига прокуратура органлари томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай эмасми?

- Ёш авлод таълим-тарбияси, умуман, келажагимиз ворислари бўлган ёшларга эътибор, бу борадаги ишлар прокуратура органларининг доимий эътиборида.

Шу маънода вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга таъсир этувчи омишлар тизимли таҳлилининг амалга оширилиши, шунингдек, қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича доимий равишда тақлифлар ишлаб чиқмоқда.

2019 йилнинг ўзида Бош прокуратурага турли соҳа ва йўналишларни такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўлиқларни, муаммолар масалаларни ҳал қилишга доир 298 та тақлиф берилди.

Хусусан, вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти, нодавлат, давлат-хусусий шериклик ва оилавий типдаги МТТларни ташкил этиш ишлари аҳоли тахлил қилиниб, ўтказилган ўрганишлар, сўровномалар натижасида олинган 3,5 мингдан зиёд ота-оналар, ишчи ходимларнинг тақлиф ҳамда мулоҳазалари, хориж тажрибаси асосида 30 дан ортиқ тақлифлар ишлаб чиқилган.

Прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда 750 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. 230 та текширув якуни бўйича 3800 та прокурор назорат ҳужжатлари қўрилди.

Манзилли дастур ишлаб чиқилиб, 5 та ташаббус ижроси бўйича меҳрибонлик уйларида «Умид» ва «Лочин» футбол жамоалари, шашка, шахмат, муай-тай, ўзбек қўл жанги спорт секциялари, «Ёш китобхон» каби бир қатор тадбирлар ташкил этилган ҳолда ўқитувчи ва мураббийлар бириктирилиб, турли мусобақалар, кўргазмалар ичкиларга намойиш этилди.

Дастур доирасида Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатувчи чет тиллари, аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган «Fast education» ва «Ta'lim ko'prigi» каби нодавлат таълим муассасалари билан меҳрибонлик уйлари ўртасида ўзаро аниқлашув меморандумлари тузилиб, вилоятнинг энг кучли ва юқори малакали ўқитувчилари томонидан бошқа тенгқурларига нисбатан имкониятлари чекланган тарбияланувчиларни ўқув курсларида бепул ўқитиш ишлари йўлга қўйилди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 2018 йилда 8 фоиз, 2019 йилда 39 фоиз камайишига эришилди.

- Фарҳод Махаммаджанович, жамиятда адолатни қарор топтириш, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият юритаётган барча прокуратура органлари ходимларини касб байрами билан кутлаймиз. Ёқубжон МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

Сўз эркинлигига тайёр бўлиш эмас, унга тақлиқ қўймаслик керак

Хали бунга тайёр эмасмиз! Узоқ вақт шу фикрга таяндик, ишондик, амалда қўлладик ҳам. Табиийки, эркин сўз, аччиқ ҳақиқатнинг залвори ҳар доим ҳам, ҳаммага ҳам ёқвермайди. Ана шу ҳақиқатни ёқтирмайдиганлар томонидан ўйлаб топилган бу ақида сиёсат даражасига қадар кўтарилди. Халқимиз ҳали эркин сўз айтиш даражасида эмас, дея қатъий ишонганлар қатлами пайдо бўлди жамиятда, улар ҳалиям бор, инкор этолмаймиз.

Айниқса, сўз айтиш, фикрини бемалол ифода этиш имкони берилган пайти уларнинг бир чеккадан туриб «ана, кўрдиларингми, нима дегандик, бу одамларимиз эркин фикр айтмаган деб, ҳақиқий башарасини кўрсатиб қўяпти», деб пичинг қилишди, таъна тошларини отишди. Кимдир ҳадик билан, биров аниқ мақсад билан, яна кимдир тушуниб-тушунмай гапирверди. Айтилмаган фикрлар қолмади ҳисоби, ҳамма ўз даражасида келиб чиққан ҳолда сўзлайверди. Ҳадик шунда эдики, бу сўзларимизга жавоб беришга тўғри келмасмикан, ҳеч ким бизни зимдан кузатиб бормаётганмикан?... МАҚСАДЛИЛАР энди жим қараб туриб бўлмайди, ўзгаришни истасак, гапирармиз, ҳақиқатни ёзамиз, дейишяпти, ТУШУНИБ-ТУШУНМАГАНЛАР эса улардан орда қолмасак бўлди, нимадир шов-шув, одамлар эътиборини тортадиган гап айтиб олишимиз керак, ахир, деган умидда гапиряпти, сўзлаяпти.

Давлатимиз раҳбари ҳам МАҚСАДЛИЛАР тарафида бўлиб, ҳар бир чиқишида шаффофик, очиклик ҳақида гапирмоқда, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрига таянишни таъкидламоқда. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам бу масала тилга олинди.

«Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситалари вакиллари дур.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади. Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари ОАВ билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак».

Ҳақиқатан, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар-жамиятда туб бурилиш ясади. Қайси маънодаки, энг аввало «Биз ҳали бунга тайёр эмасмиз!» деган қарашларни тамоман синдириб ташлади. Сўз эркинлигига тайёр бўлиш эмас, унга тақлиқ қўймаслик керак экан.

Эътибор беринг, бундан бир-икки йил аввал ижтимоий тармоқларда ҳам, қаердаки сўз айтиш имкони туғилган майдонда турли-туман фикрлар билдирилди. Билиб-бил-

май, атайин, қасдан айтилган сўзларнинг кети узилмади. Бугун бу ҳолат анча тин олди. Эндиликда асосли танқидий фикрлар фоизи тобора ошиб бораётир. Бу ҳолат осон юз бермади. Танқидга жавоб ёзиш тугул ўз фаолиятини ҳолис сарҳисоб қилишни истамайдиган ташкилотлар ҳам интернетда, ижтимоий тармоқларда «пайдо бўла бошлади». Асосли танқидларда кўтарилган масалалар ҳал этилмоқда. Нотўғри фикрга нисбатан фикр айтилди, жайдарироқ қилиб айтганда, ноҳолис фикрлайдиганларнинг, кимнингдир шаънига тегиш мақсадида айтилган сўзларнинг пайи қирқилди. Тўла қирқилди, дейиш биров ноўрин. Сабаби, турфа феълли инсонларни ўзгариши истамайдиган ташкилотлар ҳам интернетда, ижтимоий тармоқларда «пайдо бўла бошлади». Асосли танқидларда кўтарилган масалалар ҳал этилмоқда. Нотўғри фикрга нисбатан фикр айтилди, жайдарироқ қилиб айтганда, ноҳолис фикрлайдиганларнинг, кимнингдир шаънига тегиш мақсадида айтилган сўзларнинг пайи қирқилди. Тўла қирқилди, дейиш биров ноўрин. Сабаби, турфа феълли инсонларни ўзгариши истамайдиган ташкилотлар ҳам интернетда, ижтимоий тармоқларда «пайдо бўла бошлади».

Аҳамиятли жиҳати, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган танқидий мақолаларга муносабат билдириш тажрибаси қайта шаклланди. Бугун қайси бошқарма, ташкилот ахборот хизмати раҳбари билан гаплашманг, «ҳар кун битта танқид бор-а. Тепадан буйруқ келяпти бизга, унинг ҳар бирига муносабат билдиришимиз керак. Ахир бу қанча вақтимизни оляпти», деб нолиб қўйишади. Муносабат билдириш уларнинг асосий вазифаси эканлигини ҳали ахборот хизмати вакиллари янаям ахшироқ тушуниб олади, деган умиддамиз.

Яқинда Президент администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ОАВда эълон қилинган танқидий чиқишларга муносабатларнинг рақамли жадавали эълон қилинди. Айтиш керакки, рақамларда, яъники, муносабатларда ижобий томонга силжиш бор, ҳатто бир неча ой аввалги ҳолат билан таққосланганда жиддий тафовутлар мавжуд. Бу қувонарли, албатта.

Фаолиятимиз давомида ҳам бу ҳолатни сезиб турибмиз. Яқинда Zamews.uz сайтида вилоятдаги туғруқхоналарда электр энергияси билан боғлиқ муаммони эълон қилганимизда, беш дақиқадаёқ тегишли вазирликнинг муносабати берилгани ҳам шу ислохотларнинг натижаси бўлса ажабмас. Бундай мисоллар сон-саноксиз. Нафақат оммавий ахборот воситалари, ҳатто ижтимоий тармоқларда тарқалган кичик чиқишларга ҳам муносабат билдириляптир. Эҳтимол, бу муносабатларнинг барчаси ҳам етарли даражада эмасдир. Аммо муҳими улар бор ва бўлиши давом этмоқда. Шунинг ўзи ҳам катта марра. Янаям асосийси, кейинги марралар учун йўл тўсилгани йўқ.

Гулрух МҲМИНОВА.



Жасорат, бурч, матонат

Салом, она, онажонгинам...

(Давони. Бошланиши 1-саҳифада).

- Турмуш ўртоғим ҳарбийга борганда эрталаблари гугурт чўли ёниб ўчгунча кийиниб олишимиз талаб этиларди, дерди, - дея ҳаяжонини яширолмади фикрини билдирди тойлоқлик Хонтой Назарова. - Ҳозир аскарлар катта казармада эмас, ҳар бирида тўрт каравот қўйилган, озода, ёруғ хоналарда ухлашар экан. Тўғриси, гарчи ўғлим шу ерда хизмат қилмаса-да, аммо уни кўрганда бўлдим.

КЕЙИНГИ БЕКАТ - СЮРПРИЗ

Ҳарбий қисмдаги оналарга кўрсатиш учун мўлжалланган кейинги «бекат» анжуманлар хонасида қўйилган соғва кутаётганини улар билишмаган эди. Марказий ҳарбий округ кўмондони А.Саидов барча иштирокчиларни 14 январь – Ватан химоачилари куну билан муборакбод этар экан, юртимизда ҳарбийлар, аскарлар учун яратилаётган

шарт-шароитлар, имтиёзлар хусусида тўхталиб ўтди. Марказий ҳарбий округга қарашли Фориш, Каттакўрғон полигонидagi замонавий иншоотлар, шарт-шароитлар катта экран орқали оналарга намойиш этилди.

«Салом, она, онажонгинам!» сўзлари билан айтилаётган кўшиқ ҳамоҳанглигида Бухорода хизмат бурчини ўтаётган аскарлар қўлда гул билан залга кириб келганда кўнгиллардаги ҳаяжон кўздаги севинч ёшларига айланди. Оналар қўйилган соғвадан боши осмонга етгудай бўлиб, буй-басти, қадди анча улғайиб қолган фарзандини бағрига босди.

- Болам бир йил ичида шунчалик улғайиб, қадди-басти, фикри ўзгарганини ҳеч кутмагандим, - дейди Қўшрабоннинг Хонназар маҳалласидан келган Бўстон Маҳқамова. - Оналарни қақришганда, бўлғуси келинимни ҳам таваққал олиб келгандим. Қаранг, тўғри қилибман.

Аёлнинг ёнида уялибгина турган

қиз ҳарбий бўлиш истагидagi йигитга турмушга чиқишидан фахрлишини айта олди, холос.

Иштихонлик Зоҳид Хўжаёров туғилган кунда онаси билан учрашув энг катта соғва бўлганини айтса, тойлоқлик Шохҷаҳон Абдуразоқов «Она, тобингиз қочмасин...» дея шёр ўқиди. Кўмондон А.Саидовнинг аскарларни бир суткага ота-онасининг дийдорлашуви учун рўхсат бериши эса қўйилмаган соғва бўлди.

Дарвоқе, Марказий ҳарбий округни айланиш жараёнида у ерда айни пайтда мамлакатимизда эълон қилинган ватанпарварлик ойлиги доирасида мактаб ўқувчиларининг ҳам ҳарбий қисмдаги муҳит билан танишаётганига гувоҳ бўлдик. Армия халққа яқинлашаётгани, ҳарбийларнинг сирли ҳаёти ҳақидаги чўпчаларга ишонмаслик вақти келди.

Гулрух КОМИЛОВА, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан 2020 йилнинг 16 январь куну эрталаб соат 10:00 да Самарқанд шаҳар 16-ҳарбийлар шаҳарчасида, Каттакўрғон шаҳар ҳарбийлар шаҳарчасида ҳамда Тойлоқ туманидаги 29-сон болалар мусика ва санъат мактаби биносида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилади.

Ярмаркага ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқаролар, шунингдек, уларнинг ишсиз оила аъзолари қатнашиши сўралади.

14 январь куну Самарқанд шаҳридаги барча тарихий обидалар, музейлар ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун бепул хизмат кўрсатади.

Хурматли ҳарбийлар! Келинг, фарзандларингиз, яқинларингиз билан кўнча шаҳардаги тарихий қадимжоларни зиёрат қилинг, музейларда сақланаётган осори-атиқаларни томоша қилинг.

ЖАМИЯТ

2020 йилдан эътиборан прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини кўзга...

қадар ёки жиноятни содир қилган шахсни жиноий жа-вобгарликка тортиш вақти ўтгунга қадар суриштирув ва тергов ҳаракатлари ўтказилиши лозим.

Судга шикоятингиз борми?

Масалан шахс ўзига нисбатан кўзга тилинган жиноят ишини норози бўлиб бошқа идорага шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас эди.

қарор устидан ўрнатилган назоратнинг қонунийлигини асослашга тўғри келади.

тўхтатиш қонун талаблари ва мантқиқий нуқтаи назардан ҳам тўғри, лекин ушбу модданинг 1-банди (жиноят содир қилган шахснинг аниқланмаганлиги муносабати билан) жиноят ишини қидирув эълон қилиниши муносабати билан).

Шундай экан, ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига ўзгартириш киритиш ва ушбу банд асосида жиноят иши терговини тўхтатиш масаласини қонундан чиқариш лозим.

Икром ҚУРБОНБОВ, Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Бир САМОВАР тарихи

ёки отамдан қолган ёдгорлик хусусида

Самарқанд шаҳрида қадимий маҳаллалар кўп. Шулардан бири Каттакўрғон маҳалласи бўлиб, ҳозир у Нуробод деб аталади.

Кексаларнинг айтишича, отам босига кўшилиб деҳқончилик билан шуғулланган.

Отам дала юмушлари билан бир қаторда илм олишга интилиб яшаган. Шу мақсадда Сайид маҳалла билан Мингтут маҳалласи оралиғида ўша пайтларда маърифатпарвар инсон Саидризо Ализода очган «Ҳаёт» деб номланган мактабда бошланғич таълим олган.



Ўша йилларда шаҳарнинг яна уч жойида - Сиеб бозори ичида, шаҳарнинг «Восточная» кўчаси ҳамда темирйўл вокзалида «Қизил чойхона»нинг филиаллари очилди.

Энди самовар тарихи ҳақида гапирадиган бўлсак, турли фикрлар мавжудлигини кўрамиз.

да эса Пётр I даврида самовар ўйлаб топилган ва стол устига қўйилиб, чой ширинликлар билан ичилган.

Хуллас, отамнинг «Исҳоқ самоварчи» деб номини чиқарган ушбу самоварлар мисдан бўлиб, улар Россиянинг Тула шаҳрида XVII-XVIII асрларда ясалган.

Отам ушбу чойхонада ўн беш йил меҳнат қилган. Онам билан тўққиз жон бўлганмиш. Мен шу хонадоннинг саккинчи фарзандиман.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охирида бошланган «қама-қама»лар кўплаб бегуноҳ одамларнинг жабрланишига олиб келган.

Бундан ўн йил олдин отамнинг қўли ва нафаси теккан, «Қизил чойхона»да минглаб одамларнинг кўнглини олган ўша самоварни излаб топишга муяссар бўлдим.

Ғуломирзо ИСҲОҚОВ, меҳнат фахрийси.

Йўлларнинг сифатсиз таъмирланишига қачон барҳам берилади?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шунингдек, ушбу объектада қурилиш-таъмирлаш ишларига масъул бўлган буюртмачи - Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига қарашли «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбари Ш.Абдураҳмонов, бош пудратчи «Богдод Карвон» масъулияти чекланган жамияти раиси Н.Абилов, лойиҳа муаллифи «Таъмирлойиҳа» МЧЖ раҳбари Д.Қодиров мазкур ишларни бажаришда йўл қўйилган камчиликларни изоҳлаш билан бир-

га бу муаммони ўн кун муддат ичида тўлиқ бартараф этишга ваъда берди. - Бу масалаларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда, - дейди Самарқанд шаҳар ҳоқими вазифини бажарувчи Б.Облоқулов. - Ҳар бир жавобгар шахс қонун олдида жавоб беради.

шаҳар прокурори Д.Саидқулов шаҳардаги Гулобод кўчасида таъмирлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан жиноий иш кўзга тилинганлиги, Рудакий кўчасида пайдо бўлган муаммолар бўйича ҳам суриштирув ишлари олиб борилаётганлигини маълум қилди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

Best Realtor масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали томонидан 2019 йил 10 декабрда ўтказилган АУКЦИОН САВДОСИ НАТИЖАСИ

ДАЪВОЛАР БЎЛСА Оқдарё туманидаги «DEXNAV BETON JBZ» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304460991) ўз устав фонди миқдорини 519 766 000 (беш юз ўн тўққиз миллион етти юз олти миң олти миң) сўмдан 53 472 600 (эллик уч миллион тўрт юз етти миң икки миң олти юз) сўм миқдорига камайтирмоқда.

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 2 августда 14393 реестр рақами билан рўйхатга олинган «DJASUR JANON NUR» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «DJASUR JANON NUR» ХК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 6 январдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Самарқанд давлат тиббиёт институти қуйидаги лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Тиббий биология ва генетика кафедраси мудири лавозимига 1 ўрин.

Самарқанд туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳоқимлиги заҳира ерлари ҳисобига олинган: МЧ «Янгиарик агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан жами 21,8 га. (шундан: 16,5 га. боғзор, 2,2 га. ўзумзор, 0,6 га. ариқ ва зовурлар, 0,5 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда.

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Назаров Носир Нарзиёвичга (2018 йил 10 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Самарқанд туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

ЧЕК ТАЛАБ ҚИЛИШНИ УНУТМАНГ! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4536-сон Қарорига асосан 2020 йил 1 январдан ичимлик суви ва оқова хизматлари учун тўловларни ундириш ваколати «Сувоқова» корхонасига берилди.

Самарқанд темирйўл транспорт касб-хунар коллежидан 2004 йилда Назаров Шоқир Каримович номига берилган рўйхат рақами 138, К № 100083 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

